

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 61 (10.870)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
 Янгиликлар, воқеалар

Каска
 сатрларда

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Катта Хирмонтепа» маҳалласида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Миллий халқ ўйинлари» фестивали доирасида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди.

● **ЎТГАН** куни Юнусобод туманидаги 274-мактабда Наврўзи олам муносабати билан уюштирилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этди.

● **БУГУН** Ўзбекистон халқ демократик партияси Юнусобод туман Кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **ЎТГАН** куни Сергели туманидаги «Бакт Дибр» ресторанида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ва Сергели туман хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорликларида маҳаллаларнинг хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган тадбир «Ислом дини — эзгулик дини» деб номланди.

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида «Аёлнинг ҳаётидаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзусида ўтказилган форум Ўзбекистон Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси ҳамда «Оила ва жамият» газетаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 110-мактабда ўқувчилар ўртасида уюштирилган «Нотиклик санъати» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

● **ЎТГАН** куни Ўзбек Миллий академик драма театрида санъаткорлар иштирокида ўтказилган тадбир Халқаро театр кунига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА ТўЛИҚ ЖАВОБ БЕРУВЧИ СИФАТЛИ ВА МАЗАЛИ МАХСУЛОТ ҲАМИША ХАРИДОРГИР БўЛГАН. ШУ БОИС ҲАМ ШУНДАЙ КОРХОНАЛАРНИНГ НУФУЗИ КУНДАН-КУНГА ОРТИБ ШУҲРАТ ҚОЗОНАВЕРАДИ. ЗЕРО, СИФАТЛИ ВА ДИД БИЛАН ТАЙЁРЛАНГАН МАХСУЛОТНИ ХАРИДОР ҲАМИША ТАН ОЛАДИ.

Хамкорлик

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАХСУЛОТЛАР

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Вимм-Билль-Данн Тошкент» масъулияти чекланган чет эл корхонаси ҳам ана шундай сифатли маҳсулот тайёрлашдаги изла-нишлари боис мижозлар хурмати ва эътиборини қозонмоқда.

—Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия мамлақати билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда,— дейди биз билан суҳбатда «Вимм-Билль-Данн Тошкент» чет эл корхонасининг тижорат иш-лари бўйича директори Улугбек Жаббаров.— Икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкор-лиги асосида ташкил қилинган корхона-нинг мавқеи бугунги кунда анча юқори. Замонавий хорижий аппаратлар билан иш бошлаган корхонамизда, 130 нафар ишчи-хизматчилар, малакали хо-димлар меҳнат қилмоқдалар. Хозирда корхонамизда сут, кефир, пархезли суз-ма, йогурт, сарийё, сметана, сирок, қаймоқ каби 30 хил турдаги харидоригр маҳсулот-лар халқимизга етказиб берилмоқда. Шунингдек, шарбатларимизни ҳам бозор та-лаблари асосида ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Маҳсулотлар Италия, Франция, Россия ва Туркия мамла-катлари технологик линиялари ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса Туркиядан келтирилган «Тетрапак» ва «Финпак» лини-ялари маҳсулотларнинг харидоригр бўлиб қадоқланишида муҳим аҳамият касб этмоқ-да. Маҳсулотлар бир литрлик, 0,5, 0,2



литрлик пакетларда қадоқланмоқда. Улар асосан Тошкент шаҳри, вилояти ҳамда Са-марқанд шаҳрига етказилади. Биринчи навбат-да маҳсулотларимизнинг сифатига, қадоқ-

қадоқланган маҳсулотларни етказиб бериш ҳамда уларнинг турини кўпайтиришдан ибор-атдир. Шу боис, кўшма корхонамиз хо-димлари Москва ва Бишкекдаги «Вимм-Билль-Данн» кўшма корхоналарига тез-тез бориб, таъриба алмашиб, иш услу-бимизни янада тақомиллаштиришга ҳара-кат қилишади.

Дарҳақиқат, «Вимм-Билль- Данн Тош-кент» чет эл корхонаси бугунги кунда ўз мижозларини топиб улгурди. Унда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг бо-зорларимизда обрўси баланд. Корхона-да ишчилар учун ҳам қатор қулай-ликлар яратилган. 300 уринли ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари, тибби-ёт, маънавият ва маърифат хоналари за-монавий жиҳозлар билан таъминланган. Хар ойда корхонада турли-туман маъ-навий тадбирлар ўтказилиб турилади. Бундан ташқари яхши ишлаган ходимлар-ни рағбатлантириб бориш ҳам корхонанинг аънанасига айланган. Хусусан, Наврўз бай-рами муносабати билан ҳам ишчи-ҳодим-лар учун рағбатлантирувчи совғалар тарқ-атилади.

Ишонимизки, келажакда «Вимм-Билль-Данн Тошкент» чет эл корхонаси наинки республика миқёсида, балки чет мамлакат-ларда ҳам ўз нуфузига эга бўлади.

Гулчехра ДУРДИЕВА
 СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лав-ҳалар.



ланишига ва нарҳига асосий эътиборни қаратаёلمиз. Корхонамиз эҳтиёжлари учун Чирчик, Чиноз, Паркент, Олмалик, Ан-грэн каби туманлардан сут сотиб олинади ва бир кунда 10, 15 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларни ўз вақтида жой-ларга етказиб бериш учун эса 20га яқин автомобиллар доимо хизматта шай тура-ди. Шунингдек, жойларда сут қабул қилиш марказларининг иши ҳам яхши йўлга қўйилган ва сут сотувчилар билан таъмин-ланган. Асосий мақсадимиз халқимизга си-фатли ва мазали, чиройли, қулай қилиб

2007 – Ижтимоий Ҳимоя йили

ҲАМИША СОҒЛОМ Бўл, БОЛАЖОН!

МАМЛАКАТИМИЗДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН УЧТА МАЪРИФИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТИР. БУ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИДАН КўЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД БОЛАЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ БўЛИШИГА ЭРИШИШДИР. УШБУ ДАСТУРЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИКЛАРИ ҲАМДА «ПРОКТЕР ЭНД ГЭМБЛ» КОМПАНИЯСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА. ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН УЧРАШУВ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА КўЗДА ТУТИЛГАН ВАЗИФАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА, УШБУ ДАСТУРЛАР КўЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ. УНДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОДГА ТАЪЛИМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Юртимизда болаларга гамхўрлик кенг кўлам касб этган бўлиб, бу ишга жамиятнинг барча тизимлари жалб этилган. Соғлом турмуш тарзи инсон ҳаётининг илк йилларидан шаклланади, шу боис болалар ва оналарнинг ўз соғлигини асраш, гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1998 йилдан бери республикамизда амалга оширилаётган маърифий дастурлар айнан шунга қаратилган, деб таъкидлади учрашувни очар экан «Соғлом авлод учун» жамғармаси директори Д. Олимжонова.

«Балогат даври» дастури қизларнинг айна шу ёшдаги ривожланиш даврида амал қилиши лозим бўлган гигиена қоидаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хабардор қилишга қаратилган. Бу дастур бўйича маҳсулотларда ҳаммаси бўлиб 248 минг ўқувчи қиз қатнашди. Ўтган давр мобайнида стоматологик касалликларнинг олдини олишга қаратилган «Жози-

бадор табассум» дастури 500 мингта яқин иккинчи синф ўқувчисини қамраб олди.

«Соғ тан – соғлом бола» дастурида иштирок этган 170 мингдан ортиқ хотин-қиз «Еш она» мактабида чақалоқларни парвартириш сирларини ўрганди.

Жойларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда маънавий-руҳий муҳитни яхшилашга қаратилган



билан ҳамкорлик ҳам кенгайтирилади. Учта асосий дастур бўйича маҳсулотларни махсус тайёрғарликдан ўтган тажрибали шифокорлар — гинеколог, стоматолог, педиатрлар ўтказилади.

Анна ИВАНОВА,
 ЎЗА мухбири

ШҲТ БОШ КОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Бош котиби Б.Нурғалиев 27-28 март кунлари Тошкентда бўлди.

Ташриф доирасида Б.Нурғалиев М.Субановнинг ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия кўмитаси директори лавозимда фаолият бошлашига бағишланган маросимда иштирок этди.

Б.Нурғалиев Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини бориб кўрди, жумладан, пойтахтимиздаги Темирийлар тарихи давлат музейи билан танишди.

ШҲТ МИНТАҚАВИЙ АКЦИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ТўҚҚИЗИНЧИ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АҲБОРОТ

ТОШКЕНТДА 28 МАРТ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ШҲТ) МИНТАҚАВИЙ АКЦИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ (МАТТ) КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ТўҚҚИЗИНЧИ МАЖЛИСИ БўЛИБ ўТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ХИТой ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мажлисида ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори М.Субановнинг Кенгашининг саккизинчи мажлиси (Пекин шаҳри, 2006 йил 29 сентябрь) қарорларининг ижроси ҳақида ахбороти тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига МАТТнинг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботининг лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолиятига ижобий баҳо берилди ҳамда 2007 йилга мўлжалланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича фикр-мулоҳаза ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий кадрлар, ШҲТ МАТТ Ижроия кўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти ва ШҲТга аъзо давлатларнинг террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга доир масалалар юзасидан қатор муҳим қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2007 йилнинг сентябрида Россия Федерациясида ўтказишга келишиб олинди. Кенгаш мажлиси амалий ва самарали руҳда ўтди.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **БУГУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТўҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ Ўз ИШИНИ БОШЛАДИ.**

● Тошкентда ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва «Шарқ аёли» халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси ҳам ахборот-ресурс марказига айлантирилди. 230 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган ушбу марказ замонавий компьютер билан жиҳозланди.

● Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи томонидан 900 миллион сўмга яқин маблағ сарфланган ҳолда барча қулайликларга эга янги уй бунёд этилиб, корхонанинг 15 нафар ишчи-хизматчиларига уйнинг қалитлари топширилди.

● Бу йил ўзининг 2750 йиллигини нишонлайдиган Самарқанд шаҳрида фольклор-этнографик жамоалари кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Наманганда ўтказилган «Она юртим наволари» номли эстрада кўшиқлари танлови ўндан зиёд ёш истеъодларни кашф этди.

● Парижда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Европадаги биринчи ваколатхонаси очилди ҳамда БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан жамғарма ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

● Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида Халқаро Теннис федерацияси таснифи бўйича аёллар ўртасида ўтказилган «Mumbai-2007» халқаро теннис турнирида ҳамюртимиз Оқғул Омонмуродова мусобақанинг мутлақ голибаси бўлди.

● Ҳива туманида от пойғаси бўйича кўп кунлик Ўзбекистон очик чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан келган 28 нафар чавандоз 50,60,70 километрлик масофага ўтказилган пойғаларда ғалаба учун кураш олиб борди. Чемпионатда фақат «Ахалтекин» зотли отлар қатнашди.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Сенати аъзоларининг 50 нафари 2008 йилнинг март ойида мамлакат кўшинларининг Ироқдан олиб чиқиб кетилиши учун овоз берди. 48 нафар сенатор эса бунга қарши чиқди. Мамлакат Президенти Жорж Буш юқори палатанинг бу қароридан таассуфда эканлигини билдирди.

● Миср Конституциясида киритилган 34 та тузатиш юзасидан ўтказилган референдум натижалари эълон қилинди. Референдумда иштирок этган аҳолининг 76 фоизи тузатишларни қўллаб-қувватлаб овоз берган. Янги тузатишларга кўра, эндиликда мамлакатда диний асосдаги сиёсий партия ташкил этиш тақиқланади, сайловлар юзасидан назорат мустақил комиссия зиммасида бўлади, хавфсизлик органларининг ваколатлари кенгайтирилади.

● Кеча Эрон телеканалларининг бирида илк бор ўтган ҳафтада Форс кўрфазидида ҳибса олинган 15 нафар Буюк британиялик денгизчиларнинг видеотасвири намойиш этилди. Расмий Лондон эса денгизчилар озод этилгунга қадар шу хусусдаги музокаралардан ташқари Эрон билан ҳар қандай муносабатларни музлатиб қўйишни таъкидлади.

● Кеча Филиппин пойтахти Манила шаҳрида мактабгача таълим маркази бошлиғи Армандо Дукат шу муассасада тарбияланаётган олти ёшгача бўлган 32 нафар бола ва 2 нафар тарбиячини саккиз соат давомида гаровда ушлаб турди. Дукат ҳукуматдан шаҳарнинг камбағаллар яшайдиган Тондо туманида истикомат қилувчи 145 нафар болага бепул таълим ва яшаш учун жой беришни талаб қилган ҳолда ушбу ишга қўл урганлигини билдирди. Хозирда Дукат полиция томонидан ҳибса олинган, болаларнинг барчаси озод этилган.

● Чехия мамлақати ўз ҳудудида АҚШнинг ПРО ракета тизимини ўрнатишга расмий равишда розилик беришини билдирди.

● Россиянинг федерал аэронавигация хизмати Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг 15 та авиакомпаниясини Россия осмонидида қанда бузаётганликда айблади. Яқинда «Росаэронавигация» бу ҳақда «Европа фуқаро авиацияси конференцияси»га мактуб йўллади.

● АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Майкл Хайденнинг баёнотида кўра, ўтган йилнинг октябрь ойида Шимолий Кореяда ўтказилган ядро қуроли синовини муваффақиятсиз тугаган. Бинобарин, Оқ уй КХДРни ядровий давлат деб ҳисобламайди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 30 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан сўнгунда 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5, кундузи 10-12 даража илиқ бўлади.

ЕВРОПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТИ ЖОН АТТАРД-МОНТАЛЬТО:

«ЎЗБЕКИСТОН - МИНТАҚАДАГИ ЕТАКЧИ МАМЛАКАТ»

ЯКИНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИДАН ИБОРАТ ДЕЛЕГАЦИЯ МЕХМОН БҮЛДИ. ТАШРИФ ДОИРАСИДА УЛАР «ЎЗБЕКИСТОН - ЕИ» ПАРЛАМЕНТ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ. «ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ МАЛКУР ДЕЛЕГАЦИЯ АЪЗОСИ, МАЗТАНИНГ ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИДАГИ ДЕПУТАТИ ЖОН АТТАРД-МОНТАЛЬТО БИЛАН СУХБАТЛАШИБ, УНИНГ ТАШРИФ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ БИЛАН КИЗИҚДИ.

— Жано Абтард-Монтальто, Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон-ЕИ» парламент ҳамкорлик қўмитаси йиғилиши натижаларини қандай баҳолайсиз?

— Қўмитанинг бу галги йиғилиши ҳисоб бўйича олтинчиси эди. Узингизга яхши маълум, бу каби учрашуларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда ЕИга аъзо мамлакатлар вакиллари иборат бўлган Европарламент депутатлари иштирок этади. Бу галги йиғилиш натижалари ҳусусида гапириб, улар гоёт самарали ва муваффақиятли бўлганини айтиш даркор. Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисида ахборот олдик, ўзаро манфаатларимизни ифодаловчи қатор масалалар борасидаги ҳамкорлик имкониятлари юзасидан фикр алмашдик ва Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдик.

— Европа Иттифоқи Ўзбекистон ва, умуман, Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантиришга қандай аҳамият қаратади?

— Марказий Осиё минтақаси халқаро ҳам-

жамиятда, жумладан, ЕИ да ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Биз Ўзбекистонни минтақадаги кўплаб омиллар бўйича муҳим аҳамият касб этадиган етакчи давлатлардан бири, деб ҳисоблаймиз.

Бу, аввало, Ўзбекистон минтақада муҳим стратегик жойлашувга эга экани билан изоҳланади. Мамлакатда барча соҳаларда, айниқса, иқтисодиётда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон салмоқли энергетика ва минерал захираларга эга.

Бой тарихий ва маданий меросга эга бўлган мамлакатингизда сайёҳлик саноатини ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистонда бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этаётган обидалар сароб. Жумладан, Самарқанд шаҳрини мен дунё мўъжизаларидан бири, деб билман.

— Жано Абтард-Монтальто, сиз Ўзбекистонда илгари ҳам бўлгансиз. Бу галги ташрифингиз мамлакатимизда кенг нишонланган Наврўз байрамига тўғри

келди. Ўзбекистондан қандай таассуротлар билан қайтасиз?

— Сафаримиз ижобий таассуротларга жуда бой бўлди. Мен юртингизга ilk бор Ўзбекистондаги обидаларнинг доврўгини кўп эшитган ва уларни ўз кўзи билан кўриш илҳижда бўлган сайёҳ сифатида келган эдим. Бу гал эса мамлакатингизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан танишиш, расмий доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказиш мақсадида келдим. Мазкур ташриф таассуротларимнинг хотирасида Наврўзга бағишлаб ўтказилган байрам тадбирларига қатнашиш бахтига мўссаар бўлганимиз билан бир умр сақлиниб қолади.

Мамлакат аҳолиси баҳор байрамини ўз Президентини билан бирга ниҳоятда кўтаринки кайфиятда нишонлаётганини кўриш менга улкан завқ ва мамнуният бағишлади.

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА мухбири.

Музейларда

«ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК» ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси кўмағида ташкил қилинди. Маълумки, фарзандларимизнинг ҳар томонлама чуқур ва пухта билим эгаллаши, жамиятда муносиб ўрнини топишига кўмаклашиш давлатимиз сийосатининг устувор йўналишларидандир. Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз жуда катта интеллектуал ва илмий салоҳиятга эга. Ҳуқуқимизда ёш авлод таълим-тарбияси, шунингдек, ёшларнинг чуқур ва муқаммал билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашларига алоҳида эътибор бермоқда. Шунинг таъкидлаш кераки, Савдо-саноат палатаси фаолияти-



нинг муҳим вазифалари орасида ёшларнинг касбий ўсишлари, замонавий ишбилармонлик муҳитида мослашувчанлиги, касб танлаш ва ишга жойлашишларида ёрдам кўрсатиш устувор туради.

«Таълим ва мутахассислик» иккинчи халқаро кўргазманинг мақсади ҳам қатнашчиларни илгор таълим хизматларининг нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам мавжуд тўлиқ қўламли билан таништириш, бўлажак абитуриентларга олий ва ўрта махсус ўқув муассасасининг энг мақбул танловига кўмак бериш ҳамда таълим соҳасидаги хизмат турлари, ўқув-методологик адабиётлар, компьютер тизимлари ва дастурларини ўрганиш соҳасидаги энг сўнги ютуқларини намойиш



этишдан иборатдир. Ушбу кўргазма таълим йўналишлари, ўқув ускуна ва анжомлари, жиҳозлар ишлаб чиқарувчилари билан истеъмолчилар ўртасида бевосита алоқа ўрнатишга ҳам хизмат қилади. Айтиш жоизки, «Таълим ва мутахассислик» иккинчи халқаро кўргазма таълим соҳасидаги илгор ютуқларини намойиш этиш баробарида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб топишида ҳам ёрдам беради албатта.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Таълим ва мутахассислик» иккинчи халқаро кўргазмасидан лавҳалар Наталья Семёнова олган суратлар.



МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ГУЛТОҶИ ҲИСОБЛАНГАН НАВРЎ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ

ДИПЛАРДА НАВРЎЗ ҚУВОНЧИ

Миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз гултоҷи ҳисобланган Наврўз ҳамкорлик қўмитаси томонидан «Таълим ва мутахассислик» иккинчи халқаро кўргазмаси доирасида «Дипларда Наврўз қувончи» таълим кўрсаткичи бўлиб ўтди. Бу таълим кўрсаткичи «Таълим ва мутахассислик» иккинчи халқаро кўргазмаси доирасида «Дипларда Наврўз қувончи» таълим кўрсаткичи бўлиб ўтди.

ДИПЛАРДА НАВРЎЗ ҚУВОНЧИ

Миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз гултоҷи ҳисобланган Наврўз ҳамкорлик қўмитаси томонидан «Таълим ва мутахассислик» иккинчи халқаро кўргазмаси доирасида «Дипларда Наврўз қувончи» таълим кўрсаткичи бўлиб ўтди.

Учтепа туманидаги «Нишабарик» маҳалласида ҳам «Ассалом, Наврўз» деб номланган байрам тадбирига маҳаллада истиқомат қилувчи табаррук отахон ва онахонлар, фаоллар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва меҳнат фахрийлари ташриф буюришди. 5000 аҳоли истиқомат қиладиган ушбу маҳаллада байрам тадбирлари доимо файзли ва гавжум ўтади. Наврўз шодиёнасига бағишланган тадбирда қатнашган Республика «Наврўз» жамғармаси раиси Дадаҳон Ёқубов сўзга чиқиб маҳалла ахлини Наврўз байрами билан муборак-

ДИПЛАРДА НАВРЎЗ ҚУВОНЧИ

бод этди. Наврўз таомлари — сумалагу ҳалим, кўк сомсалар билан безатилган дастурхон атрофида маҳалладашлар дилрабо куй-қўшиқлар, қувноқ ва шўх рақслардан кўнгиллари бир олам завққа тўлди. Айниқса тадбирда янграган қарнай-сурнай наволари, миллий халқ фольклор ансамбли ижросидаги лапарлар, мумтоз қўшиқлар байрам кечасига янада файз киритди. Шу кун байрам муносабати билан маҳалладаги 48 нафар кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронларга хайру саховат кўрсатилиб, озиқ-овқатдан иборат совғалар, 10 та оиллага эса бир қопдан ун тарқатилди. Байрам шодиёнаси ва кўрсатилган хайру саховатдан диллар яйради, кексалар дуога кўл очиб ҳомиларга ўз миннатдорчиликларини ифода этдилар.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: «Нишабарик» маҳалласининг пиру бадавлат кексалари. Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

МАҲАЛЛАДА ҚЎШ ШОДИЁНА

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ 12 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ

Айниқса, маҳаллада ободончилик ишларига алоҳида аҳамият берилди. Умумхалқ байрамлари кенг нишонланади. Чунончи, «Машхура» фирмаси ҳомийлигида маҳалла ҳудудидаги ташландиқ спорт майдончаси ўрнида қисқа муддатларда футбол майдончаси, турли спорт анжомлари ўрнатилган, ҳар хил уй хайвонлари ва паррандалардан иборат жонли бурчакни ўз ичига олувчи Болалар шаҳарчаси қад ростлади. Бу ерга 70 га яқин арча кўчатлари ўтказилди, яшил майсалар билан қопланди. Тахта ўриндиқлар ўрнатилиб аҳолининг сеvimли хордик жойига айланди.

Яшариш ва янгилаштириш байрами — Наврўзи олам шодиёналари ҳам айнан янгидан қуриб битказилган Болалар шаҳарчасида ўтказилди. Шу кун маҳаллада кетма-кет учта шодиёна нишонланди, десак муболага қилмаган бўламиз. Яъни, Наврўзи олам, Болалар шаҳарчасининг очилиш маросимлари, табаррук оз ёшни қаршилаган Султон ота Юнусов, 60 ёшга қадам қўйган Абдукарим Раимов, Фаррух Ваҳобов, Турсун Аблизов, Машхура Ҳақимова, Мавлуда Зокирова каби кўтлуг ёшларнинг қувончи кунларига уланиб кетди. Ушбу инсонлар, шунингдек кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар вакилларига Тўлқин Отабеков, Шомирза Қурбонов, Ботир Нурмухамедов каби ҳомилар саховати ила ажратилган совғаларни С.Раҳимов туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Мавлон Раҳимов, «Машхура» фирмасидан Анвар Юсупов, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Тулағановалар байрам билан қутлаган ҳолда топширишди.

МАҲАЛЛАДА ҚЎШ ШОДИЁНА

Маҳалла ҳудудида жойлашган 130, 65-мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари, 134-мактабнинг юқори синф ўқувчилари томонидан тайёрланган Наврўзи оламга бағишланган қувноқ концерт дастури, «Қалпоқ» гуруҳи кулги усталари Исқандар ва Самандар Ҳамроқуловлар ижросидаги инақузи хангомалар тадбирга ўзгача шўх бағишлади.

Маҳаллаимизга ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган «Машхура» фирмаси ёрдамида 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун каратэ ва футбол тўғрисидаги олимпиада. Ҳомийликларимиз мураббийлар билан таъминлашда ёрдам беришга, дейди биз билан суҳбатда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шоира Тулағанова.—Келгусида тўғрақлар сонини кўпайтирамиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ХАМКОРЛИК

БАНКЛАРАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯ-БАНК АКАДЕМИЯСИ ҲАМДУСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДАГИ СОҲАВИЙ ИЛМИЙ МАРКАЗЛАР БИЛАН ҲАМ ЯҚИН АЛОҚА ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ

Таълимий аҳамиятга молик ўқув лойиҳалари асосида амалга оширилаётган тадбирлар талабалар малакасини оширишда кўп келмоқда. Латвия банк хизмати ва технологияси бўйича уюштирилаётган ўқув машғулотлари ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда. Айни вақтда ўзбекистонлик 60 нафардан ортиқ ёш мутахассис Латвияда ўз билим ва малакасини оширди. Олий ўқув юртлири ўртасидаги бундай яқин муносабат тўғрисида бу мамлакатдаги қатор банклар, жумладан, «Айзкрафтлес банк» республикаимиздаги молия муассасалари билан алоқа боғлади.

ШАҲРИМИЗДАГИ «АЛАДДИН» ТЕАТРИ ЯНГИ БИНОГА КЎЧИБ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ

ОФИЦЕРЛАР САРОЙИДАГИ САҲНА ВА ТОМОША ЗАЛИ ЭНДИЛИКДА АКТЁРЛАР ИХТИЁРИГА БЕРИЛДИ. Санъат

ЯНГИ САҲНА АСАРЛАРИ

Бу тортиқ театр жамоасини янги спектакллар тайёрлашга илҳомлантириб юборди. Янги сахналаштирилаётган қувноқ постановка «Эллик ёшли бола» деб номланди. «Иосиф ва ака-укалар» деган мюзикл жанридаги саҳна асари ҳам яқин орада томошабинларга кўрсатилади. Таниқли драматург Мари Ладо қаламига мансуб «Бу оддий тарих» асари постановкаси устида ҳам қизғин иш олиб борилаётган. Ушбу саргузашт асарда театрнинг истеъдодли ёш актёрлари бош ролларни ижро этишади.

Театрнинг ижодий мавсуми давомида яна қатор асарлар саҳна юзини кўради.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАЛҚИМИЗДА АЗАЛ-АЗАЛДАН ХАЙРУ САХОВАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, ЙИҚИЛГАННИ СУЯБ, ЁРДАМГА МУҲТОЖЛАРГА БЕМИННАТ КЎМАК КЎРСАТИБ КЕЛИНГАН.

АЙНИҚСА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА УШБУ ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ЯНАДА БЎЙ КЎРСАТИБ, БЕМОРЛАР, НОГИРОНЛАР, МЕҲР-САХОВАТГА ТАШНА КЎНГИЛЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛМОҚДА.

МЕҲР ТАҒТИДАН КЎНГИЛ ЯЙРАДИ

Буюк қадриятларимиз тимоли бўлган Наврўз айёми каттаю кичик кўнглини бир олам қувончга тўлдирётган кунларда Сергели туманидаги «Бахтиёр» тўйхонасида саховатли инсонларнинг меҳр, оқибат тафтидан 216 нафар болажонларнинг кўнгилининг ҳам тоғдек кўтарилди.

«Бахтиёр» тўйхонасида янграган қарнай-сурнай наволари тумандаги камхарж оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоли кекса, табаррук инсонларни ушбу шодиёна тантанасига чорлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 2004 йилдан бошлаб умумхалқ байрамлари кунларида туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш аънағана айланган. Бугунги кунгача меҳр-саховат тадбирлари орқали 1262 нафар болажонларга тўй сарполари кийгазилиб, катта тантана билан элга ош берилди.

— Азиз ота-оналар, меҳмонлар ва тўйимиз сабабчилари бўлган болажонлар,—деди жумладан тадбирни очар экан туман ҳокими Муртолиб Абдуллаев.— Барчангизни умрбоқий байрам билан кутлаймиз. Юртимизга, элимизга тинчлик, дастурхонимизга барака тилаймиз. Ижтимоий ҳимоя йилида хайрли ният йўлидаги бундай тадбирлар жуда кўплаб кўнгиллarga кўтаринкилик, ҳаётимизга мазмун бағишлайди. Эртанингинг келажаги бўлган ёшлар эса ишонамизки она-Ватанига муносиб авлод бўлиб вояга етадилар.

Шунингдек, тадбирга йиғилган шаҳар ва туман «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вакиллари, ота-оналар ҳам сўз олиб, аввало йиғилганларни Наврўз байрами билан табриқладилар, шундай чиройли дастурхон ёзиб, элу юрт дуосини олаётган хайр-саховатли тадбиркорлар, ҳомийлар ва туман ҳокимлигига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

— «Дўстлик» маҳалласида яшаймиз,—дейишди биз билан суҳбатда чиройли, бежирим кийиниб олган болажонлари даврасида яйраб ўтирган онахонлар.— Дилноза Абдуразоқова ва Гулноза Боезова.— Ҳайриятимиз Бехоз, Дилмурод ва Сайдуллоларнинг тўйлари шундай чиройли ўтаётганидан бошимиз осмонда. Раҳмат, яхшилар, деймизу лекин кўнглимиздаги миннатдорликни сўз билан ифодалаб бера оламиз.

Уйин-кулугу, шўх қўшиқлар янграган даврада барча рақсга тушиди, кўнгиллари яйраб, ғуборлар ариди, меҳр қўши барчага баробар нур сочиб ҳамиша инсонларга яхшилик улашишга чақирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ДЕҲЛИДА ЭКОСАЙЁҲЛИК АНЖУМАНИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДЕҲЛИДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК САЙЁҲЛИК» МАВЗУИДАГИ ФЕСТИВАЛЬ БЎЛИБ ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг мамлакатимиздаги сайёҳлик ва экосайёҳлик салоҳиятининг тақдими аянжуман иштирокчилари томонидан алоҳида қизиқиш билан қарши олинди. Серқўш ўлкаимизнинг тарихий-меъморий обидалари, экосайёҳлик йўналишлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма пештахталаридан жой олган халқ амалий санъати намуналари тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Қайд этиш кераки, Деҳлида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти вакиллари вакиллари билан тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Қайд этиш кераки, Деҳлида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти вакиллари билан тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур музоқаралар натижаси уларақ, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ва етакчи ҳинд сайёҳлик агентликларидан бири — «СТИК» гуруҳи ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

— Деҳлида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига бағишланган аянжуманинг ўтказилгани айни мудоа бўлди, — деди «СТИК» гуруҳи раиси С.Гойал. — Биз «ЭКОСАН» билан аҳдлашганимиздек, бир гуруҳ ҳинд сайёҳлик агентликлари раҳбарларининг делегацияси шу йил апрель ойида Ўзбекистонга боради. Тошкентда ўзаро ҳамкорлик истиқболларига бағишланган семинар уюштиришни режалаштирмоқдамиз. Бундан ташқари, бир гуруҳ ҳинд туроператорлари ҳам Ўзбекистонга сафар уюштиришни мўлжаллашган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов раҳбарлигидаги «Сурхон» гуруҳи санъаткорлари ҳамда ҳушовоз хонандалар Шухрат Қайумов ва Шаҳноза Исмоилова ижроларида намойиш этилган маданий дастур тадбир иштирокчиларида алоҳида таассурот қолдирди.

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА мухбири Деҳли

Иқтисодиёт

ЯНГИ ДАСТГОҲ КЕЛТИРИЛДИ

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, БОЗОРБОП, ХАРИДОР ДИДИГА МОС МАҲСУЛОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАРНИНГ, ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҲИССАСИ САЛМОҚЛИ. БУНИ ДИЛДАН ҲИС ЭТГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦЕХЛАРИНИ АНА ШУНДАЙ ЮКСАК УНУМЛИ ЛИНИЯЛАР БИЛАН ҲИҚОЗЛАШГА ЭЪТИБОР БИЛАН ЁНДОШИШМОҚДА.

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «KLAND KON SHARO» хусусий корхонаси ҳам Хитой давлатидан келтирилган тери хом ашёсини қайта ишлайдиган янги дастгоҳ ўрнатиш натижасида махсулот сифати ва рақобатбардорлиги анча ортди, турлари эса кўпайиб бормоқда. Шунингдек, цехлар кенгайиб, янги тикув дастгоҳлари ҳам келтирилди. Натижада 10 нафарга яқин йиғитқиз учун ишчи ўринлари ҳам ташкил этилди.

— Ҳар ойда 5 та янги моделдаги махсулотларни тайёрлаймиз, — дейди корхона моделиери Абдуносир Абдураҳмонов. — Ҳар ойда корхона коракўл хом ашёсини қайта ишлайдиган янги дастгоҳ ўрнатиш натижасида махсулот сифати ва рақобатбардорлиги анча ортди, турлари эса кўпайиб бормоқда. Шунингдек, цехлар кенгайиб, янги тикув дастгоҳлари ҳам келтирилди. Натижада 10 нафарга яқин йиғитқиз учун ишчи ўринлари ҳам ташкил этилди.

Корхона тадбиркорлари томонидан тайёрланаётган чарм махсулотлари «Чилонзор», «Чорсу», «Олой» буюм бозорларидаги фирма дўконлари орқали харидорларга етказилмоқда. Жорий йилда эса Қозоғистон ва Россия давлатларига махсулот экспорти ҳажмини ошириш кўзда тутилмоқда.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН ВА РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАР ҚУВВАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНГАН «ALO ALI AX» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИДА АЙНИ КУНЛАРДА ХАРИДОР ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚИШ 20 ТУРДАГИ ПЛАСТМАССА МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА.

Ушбу махсулотлар сирасига рўзгор ашёлари, электр монтаж ишларида, мебель ишлаб чиқаришда керак бўладиган қисмлар, сантехника буюмлари кириди.

— Келгусида янада сифатли ва зарур пластмасса махсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутишимиз, — дейди корхона директори ўринбосари Дилдора Мирзараҳимова. — Бунинг учун лизинг орқали Жанубий Корея ва Хитой давлатларидан янги замонавий жиҳозлар олиб келишга ҳаракат қиляпмиз. Натижада ишлаб чиқаришни кенгайтираимиз, махсулотларимиз турларини оширамиз.

Бугунги бизнес субъектлари учун яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланиш эса, албатта барча қатори корхона тадбиркорларининг ҳам муваффақиятларини таъминлайди.

Шарофат БАҲРОМОВА



Анжуманлар

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

«КАМОЛОТ» ЁИХ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ТОШКЕНТ ШАХАР «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши хомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг икки ярим йиллик ҳисоботи тингланиб таҳлил қилинди. Ушундан дэвр мобайнида амалга оширилган ишларнинг таҳлили билан бир қаторда эришилган ютуқлар борасида ҳам сўз борди. Шунингдек, болалар ташкилоти Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар берилди.

Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида, юксак маънавиятга, соғлом, билимдон этиб тарбиялашни мақсад қилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати хомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотига асос солинган эди. Бу муҳим воқеаларнинг бўлиб ўтганига ҳам беш йилдан кўпроқ вақт ўтди.

Айни вақтда «Камалак» болалар ташкилотининг фаолиятини янада жонлантириш, олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Фа-

олияти намунали деб топилган бошланғич ташкилотларнинг барчаси ташкилот томонидан меъбел, иш жиҳозлари билан таъминланган. Бошланғич ташкилотларда фаолият олиб бораётган Сардорлар Кенгаши аъзоларининг малакасини ошириш борасидаги ишлар тизимли тарзда амалга оширилади. Сардорлар учун тренинглр, ўқув семинарлари мунтазам равишда ташкил этиб келинмоқда.

«Камалак» болалар ташкилоти бугунги кунда Республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланди. Ташкилот тизимлари томонидан «Олтин мерос», «Маънавият ва маърифат», «Эко-сан», «Ватанпарварлик», «Меҳр-шафқат», «Умид», «Соғлом авлод учун» йўналишларида ишлар олиб борилмоқда. Бевосита «Камалак» ташкилотчилигида болаларнинг турли муаммоларини ечиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қобилиятларини юзага чиқаришга қаратилган Республика миқёсидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда, ўнлаб кўрик-танловлар; конференциялар, семинарлар ва спорт мусобақалари ташкил этилиб, муваффақият билан ўтказилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 305 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, шуларнинг барчасида «Камалак» болалар ташкилотлари тузилган. Бошланғич ташкилотларда эса 2004-2005 ўқув йилида 249883 нафар, 2005-2006 ўқув йилида 263227 нафар,

2006-2007 ўқув йилида 172005 нафар «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари бўлди. Шу билан бирга ўтказилган сайловларга кўра 2004-2005 ўқув йилида 8676 нафар, 2005-2006 ўқув йилида 9246 нафар, 2006-2007 ўқув йилида 8965 нафар синф «Камалак» сардорлари сайланган.

Анжуманда ташкилий масалалар ҳам кўрилиб, Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилотига Азизбек Исаков раис этиб сайланди. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йилида амалга ошириладиган иш режалари ҳам белгилаб олиниб, камчиликлар ечимига эътибор қаратилди.

Маълумки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши хомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ривожланиш сари олға интилаётган, янада кўпроқ марраларни забт этиш борасида ҳаракатлар олиб бораётган ташкилотлардандир. Келажакда ҳам ташкилот томонидан қилинадиган ишлар кўлами кенг ва қўйилган мақсадлар талайгина. Жумладан, истиқболда пойтахтнинг барча таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотларни намунали бошланғич ташкилотларга айлантириш ёки бўлмаса, аъзолар сифини қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини чекис бўлган, қўйдан келган меҳнатини аямойдиган шижоатли, ташаббускор болалар ҳисобига кенгайтириш, янада кўпроқ болаларнинг жами-

ятда ўз ўринларини топишлариға кўмаклашиш, миллий манфаатларининг ҳимоясида собит тура оладиган маънавий етуқ, фидойи ва курашчан инсонлар этиб тарбиялаш, ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларға дахлдорлик ва масъулият туйғусини юксалтириш, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш қабиалар шулар жумласидандир.

Булардан ташқари ташкилот болаларини касб-ҳунарға йўналтириш, уларни оммавий спортға жалб этиш, жойлардаги стадионлар ва спорт иншоотлари имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортға қизиқишни кучайтириш, бугунги болаларнинг ўз билим савияси, маданияти ва малакасини доимий равишда ошириш, хориждаги тенгдошлари билан алоқа боғлаш, улар билан турли соҳаларда мулоқот ва ҳамкорлик қилишға бўлган истак ва эҳтиёжларини инобатға олиб, бу борада тегишли дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётға татбиқ этиш қаби мақсадлар йўлида ҳам изланилмоқда.

Албатта, бу ишларни амалга ошириш ва мақсадға эришиш осон эмас. Шундай экан, бугун кучли хоҳиш асосиға қурилган бетиним интилиш ва ҳаракатни амалға оширсаккина, эртаға кўзланган марраларни забт этишимиз мумкин. Зеро, келажак бугунги кундан бошланади.

Шоира МУҲАМЕДОВА



САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалға ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасгимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишға хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказининг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалға ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Уйлаймики, мамлакатимизда бу улғ ва савобли ишға ўз ҳиссасини қўйиш ниятида бўлган инсонлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўнлаб топилди.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларға

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

СТИР: 206849843

МФО: 00423

Х/р: 20212000604589442001

АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОДИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАНМОҚДА

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ (ХВЖ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2005-2006 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ НАТИЖАЛАРИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ. БУ ҲАҚДА «ПРАЙМС-ТАСС» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ВЕБ-САЙТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ХАБАРДА АЙТИБ ЎТИЛГАН.

ХВЖнинг февраль ойида яқунланган Ўзбекистон иқтисодиётиға бағишланган йиллик шарҳида ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 7 фоиздан ошгани, тўлов баланси катта профицит билан баҳарилгани, олтин-валюта захиралари мутасил равишда ўсгани ва инфляция суръати пасайиб боргани таъкидланади. ХФЖ экспертларининг фикрича, Ўзбекистон бундай муваффақиятларға кишлоқ ҳўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, транспорт ва коммуникция соҳаларидаги ўсиш, шунингдек, макроиқтисодий сиёсатнинг тўғри йўналтирилгани ҳамда юзаға келган кулай ташқи иқтисодий шароит туфайли эришган.

Шарҳ натижаларини муҳокама қилар экан, ХВЖ директорлар кенгаши аъзолари Ўзбекистоннинг яқин келажакдаги иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини таъкидлади.

«Жаҳон» АА

Тадбирлар

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

ҲАР БИР ДАВЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ, ИЖТИМОЙ, МАИШИЙ МУВОЗАНАТИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ. ШУ БОИС, БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ ҲАР БИР СОҲАДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА.

Айниқса, вояға етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишға қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг яхшиланishiға хизмат қилмоқда.

Шу маънода Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган «Ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги» мавзусидаги ҳуқуқий тарғибот тадбири айни шу жиҳати билан ажралиб туради. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шаҳар халқ таълими соҳаси етакчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари широк этишди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Хамидулла Йўлдошев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Хошиматов, Тошкент шаҳар прокуратураси вояға етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Олимжон Раҳимовларнинг вояға етмаганлар билан ишлаш жараёнида оила—мактаб—маҳалла концепциясининг ўрни, ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилишининг қонуний асослари, оилада болаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари ҳақидаги маърузалари тингланди.

Бугунги тадбирнинг ўтказилиши ниҳоятда муҳим аҳамиятға молик, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг вояға етмаганлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Саодат Ҳўжаева. — Негаки, вояға етмаган ёшлар тарбияси фақат халқ таълими соҳасининг вазифасигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқ-тартибот, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги ўта масъулиятли йўналиш ҳисобланади. Шундай экан, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш учун ўзаро ҳамфикр бўлишимиз зарур.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ҲАШАР — «КАМОЛОТ»ГА ЯРАШАР

ЮРТИМИЗГА БАҲОР ФАСЛИ ВА НАВРЎЗИ ОЛАМ ҲАМ КИРИБ КЕЛДИ. БАҲОРНИ БАРЧАМИЗ ЯШАРИШ ВА УЙҒОНИШ ФАСЛИ ДЕБ БИЛАМИЗ.

Шунинг учун ҳам бу фаслда ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари баҳарлиб пойтахтимиз ободлиғига хисса қўшилди. «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими фаоллари ҳам ўзлари фаолият олиб бораётган жойларда, «камолот»чилар томонидан барпо этилган Ўзбекистон Миллий университети ҳудудидаги «Камолот» боғида ҳамда Собир Раҳимов туманига бириктирилган ҳудудларда ҳашар уюштирилди.

Ҳашарда «Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими сардор ҳамда етакчиларидан ташқари, ЎЗМУ талабалари, шаҳримизнинг барча «Камолот» аъзолари фаол иштирок этишди.

Ҳашар давомида ёшлар томонидан мевали кўчатлар ўтказилиб, ариқлар чиқиндилардан тозаланди. Ёшларнинг ғайрат-шижоати билан боғнинг кўркига янада кўрк қўшилди, ўтказилган ҳашардан барча мам-

нун бўлди.

— Ҳар йили амалға ошириладиган ободонлаштириш юмушларига туманимиз ёшлари фаолилик кўрсатиб ҳудудимизнинг тоза, ораста масканлар қаторидан ўрин олишиға хисса қўшадилар, — дейди туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Хабиба Муҳамедова. — Бунда улар фақат тозалик ишлари билан банд бўлмай, балки ёрдамға муҳтож, қаровчисиз қолган кекса, ногиронларнинг уйлариға бориб йўқлайдилар, имкон борича уларнинг кўнгилларини кўтариб уй ишларига қаратиб юборадилар.

Ёшларимизнинг хайрли ва савобли ишларда бажонидли иштирок этишлари уларнинг келгусида чин инсон бўлиб вояға етишларига хизмат қилади, албатта.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТДА: бўлиб ўтган ҳашарлардан лавҳа.



Дастур ижроси йўлида

ЭНГ АЗИЗ ВА БЕТАҚРОР

«КАМОЛОТ» ЁИХ ТОШКЕНТ ШАХАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ БАЖАРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, НАВРЎЗ АЙЁМИГА БАҒИШЛАБ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА «ЭНГ АЗИЗ ВА БЕТАҚРОР» НОМЛИ КАТТА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ушу тадбирға «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва туман бўлиmlарининг 200 нафарға яқин фаол ходимлари, туман «Камалак» ва «Камалак» сардорлари, «Камолот» етакчилари ва ўринбосарлари, уларнинг оналари таклиф этилди.

Аёл муқаддасдир. Бу сўзлар замирида нақадар қуқур маъно муҳасам. Бежизға баҳорнинг илк кунларида гўзал аёллар учун ер куррасининг барча бурчакларида байрам қилинмайди. Йил бошидаги баҳорий кайфиятни доимий сақлаш эса нур устиға аъло нурдир. Тадбирда сўз олганлар оналарнинг битмас-туганмас садоқати, вафою ориятда қанчалик бетакорлиғи, камтару камсукумлиғи ҳақидаги фикрларни қуқур ҳаяжон билан билдириб ўтдилар.

Дастур доирасида «Баҳор марафони» танлови ўтказилди. Танлов давомида иштирокчилар ўзларини таништирдилар, туманлари ҳақида маълумот бердилар. Уларнинг ҳар бири байрамға бағишлаб ўтказилган тадбирлар ҳақида тайёрланган альбом тақдим этди. Иштирокчиға ва унинг онасиға бир вақтинг ўзида ташкилотчилар томонидан тайёрланган бир хил саволлар ёзилган варақлар берилди, шунингдек байрам қўтловини изхор этишди.

Танловда 1,2,3-ўринларни эгаллаган голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

Азиза МУҲАМЕДОВА

ДАРҲАҚИҚАТ, УШБУ СЎЗНИНГ ТАГ-ЗАМИРИДА ТОМ МАЪНОЛИ ТЕРАН ФИКРЛАР ЁТИБДИ, ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО, МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАЧ, ОЛДИНГА ҚЎЙИЛГАН ИЛК МАҚСАДЛАРДАН БИРИ БУ—«СОҒЛОМ АВЛОД» ДАСТУРИ ЭДИ.

Сенинг тенгдошинг

КЕЛАЖАК — ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Хўш, соғлом авлод қандай бўлиши керак?

Соғлом авлод деганда кўз олдимизда нафақат жисмонан, балки маънан етуқ ва комил инсонийликни ўзида муҳасам қилган ёшлар намоён бўлади. Мамлакатимизда ушбу дастурға биноан кенг кўламли ишлар олиб борилди ва давом эттирилмоқда.

Жаҳон андозалари даражасидаги коллеж, лицей, олий ўқув юртилари, бир қатор спорт комплекслари қуриб битказилди, кераклик лаборатория жиҳозлари, ўқув материаллари ва спорт анжуманлари билан жиҳозланди. Бу борада мактабларни-ку гапирмасак ҳам бўлади. Ҳаммамиз ёш авлод, жажжи ука-сингилларимизнинг янги қурилган, тўлиқ таъмирланган, кенг, ёруғ синфхоналарда билим олаётганликларининг гувоҳимиз.

Узоққа бормасдан бизнинг университет жойлашган мўжазгина шаҳарча мисолида фикр юритсак. Барчаға маълумки, шу кеча-кундузда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида бўлаётган ўзгаришлар мисли қўрилмаган даражада беқийс. Талабалар турар жойларининг замонавий талабларға жавоб бера оладиган даражада эканлигининг гувоҳимиз.

Келинг, яхшиши шаҳарчани, ундаги янгича кўринишни кўз-кўз қилиб турган спорт иншоотлари буйлаб бир сайр қилайлик. Янги қурилган сув завзасини айланиб ўтиб, жисмоний тарбия кафедраси томон юрамиз.

Буни қарангки спорт байрами устидан чиқиб қолибмиз. Бу ерда футбол бўйича Ўзбекистон миллий университети (ЎЗМУ) кубоғиға ярим финал учрашувлари ўтказилётган экан. Майдонда физика ва иқтисодий факультети жамоалари аъзолари ўйинолди машқларини ўтказишяпти. Биз эса ўйинни бошқарувчи бош ҳакам Равшан ака олдиға ошиқдик ва ўзимизни қизиктирган саволларға жавоб изладик.

— Ушбу баҳс ЎЗМУ кубоғи учун ўтказилмоқда,— дейди суҳбатдошимиз.— Ушбу турнир аънавий бўлиб ҳар йили ўтказилади. Мусобақа ни ўтказишдан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса ёшларни жисмонан чиниктириш ва спортға жалб этиш, шу билан бирга уларни бирлашти-

ришдир.

— Олиб борилаётган ишларға талабаларнинг қизиқиши қандай?

— Бугунги кунда талаба-ёшларнинг спортға қизиқиши жуда катта. Ҳеч биримизға сир эмаски, улар ўзларининг нималарға қодир эканликларини жаҳон майдонларида исботлашмоқда. Шундай экан, албатта, кўрсаткичлар аъло.

— Шогирдларининг ҳақида нима дейсиз?

— Маълумки, кураги ерга тегаман Алломишлар бизнинг заминдан етишиб чиққан. Шогирдларимдан умидим катта. Улар орасидан Алишер Нормуродов, Фаррух Темуров, Бобур Маҳаматов ва Аваз Маълонлар кўллаб ютуқларға эришишган. Умуман олганда талабалар орасида спортға қизиқувчан, эпчил, бақувватлари жуда кўп. Мамлакатимизда спортға бўлган жиддий эътибор туфайли уларнинг сони йилдан йилға ортиб бормоқда менимча.

— Турнирнинг пешкада жамоалари ҳақида тўхталсангиз.

— Бу йил ҳам ўтган йилги кучлилар—тарих, фалсафа, география факультетлари жамоалари кубоққа асосий давгоғар бўлиб туришибди. Суҳбатимиз қизиган бир пайтда ёрдамчи ҳакам ўйин бошланиш вақти бўлгани ҳақида оғохлантирди.

Равшан ака билан хайрлашиб ортға қайтар эканмиз, тевакар-атрофдаги ажойиб манзарани: волейбол, баскетбол майдончаларини ҳамда улар билан бирга яхлит бир бутунликни ташкил қилган сув спорти саройини; кўркам масканға айланган Талабалар шаҳарчасини кузатиб кўзимиз қувнади. Бу ердаги манзарали дарахтлар, арча ниҳоллари, бари гуёки талабаларнинг сермазмун ҳаётиндан дарак бериб тургандек.

Ишонимизки, ҳар томонлама шароитлар яратилган ўқув масканларида таълим-тарбия олаётган талабалар ўз касбининг етуқ мутахассислари ҳамда янги жаҳон чемпионлари бўлиб етишадилар. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек «Келажак» — ёшлар қўлида.

Назokat ВАЛИЕВА, Феруз ХОЛМИРЗАЕВ, ЎЗМУ талабалари

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИШ — ОМАД ГАРОВИ!

ридан бири, шунингдек Президент стипендияси совриндори ҳамдир. Талаба ва ҳамкорларининг бундай тавсифидан сўнг интилувчан ва меҳнатсевар ўқитувчи билан суҳбатға ошиқдик. Буни қарангки, биз уларни Мисрдаги халқаро конференция тарафиданда унванди ва фикр-мулоҳазаларни қоғозға туширдик.

— Энг аввало ушбу касбни нима учун танлаганингни ҳақида гапириб берсангиз.

— Ўз касбимға бўлган иштиёқимен амалиётни ўтаётганимда ўзгача ҳис этганман. Талабаларимнинг интилиши, уларнинг даррсларни қизиқиб тингласи, фаол иштироки мени ўзиға ром этди. Ва ўзимда катта масъулият ҳис этдим.

— Сиз Президент стипендиясини олишға ҳам сазовор бўлгансиз. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Талабаларға дарс бериш давомида бақалавар талабалар учун ҳаммулалифликда китоб яратдик. Шунингдек, ўша йили магистратуранинг 1-босқичи муваффақиятли тамомаганим туфайли мен ўзимни, билим ва қўникаларимни синиб кўриш учун ўшбу давлат стипендиясига топширдим. Саёй-ҳаракатларим мақсули сифатида бу мукофотға сазовор бўлдим. Бу мукофот менға янада каттарок масъулият юклатди: бундан буён ҳам ўз билимимни янада чуқурлаштиришға, ўз соҳам доирасида янгиликлар излаб топиш ва уларни даррсларимда қўлашға ҳаракат қилмоқдам. Шунингдек, даррсларни янада самаралироқ ўтиш мақсади дарр-

ликлар яратиш устида иш олиб бормоқдаман.

— Айтингчи, эришаётган ютуқларинингиза кўпроқ омад сабабчинми ёхуд қилган ҳаракатларининг мақсулими улар?


— Менимча, ҳозир ҳаракатсиз ҳеч нимаға эришиб бўлмайди. Омад эса ҳеч қачон ўз-ўзидан келмайди. Агар инсон ўз олдиға мақсад қўйиб унинг учун астойдил ҳаракат қилса, ўзи билмаган ҳолда омад унга эргашиб юради. Мен эришаётган ютуқларда онажонимнинг, оила-аъзоларимнинг, қолаверса, ҳамкасбларимнинг ҳиссаси каттадир.

— Ҳозирда нималар билан машғулсиз ва келажакдаги режаларингиз қандай?

— Айни вақтда аспирантурада таҳсил олиб ўз илмий ишим устида иш олиб бормоқдаман. Келажакдаги режаларимға келсак, улар асосан даррликлар яратиш, ўқитувчилар учун семинарлар уюштиришдан иборат. Ёшларимизнинг энг муҳим вазифалари — яратилаётган имкониятлардан умумли фойдаланган ҳолда яхши ўқиш, ўз олдиларига қўйилган мақсад сари олға интилиш деб биламан. Уларига нисбатан талабчан бўлишим, ўз устиларинда кўпроқ ишласим. Умид қиламанки, шунда марра албатта уларники бўлади!

Ҳайра Абдураимоваға мазмунли суҳбатлари учун ташаккур билдирар эканмиз, барчаға мақсад сари олға интилишдан чарчамаслиғини тилаб қоламиз.

Дилноза УБАЙДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Хон анга ёйғилки, эрур муштахи, Тўқ эмас, ар еса, бўлур мумтали. Кўнгли овқат тилбачи, қорни оч кишига овқат бер, тўқ киши овқат устига еса, ташлашга мажбур бўлади.

Хонақоҳ ахли йўлиқса, мастликдин тонимон, Шукрим, бўлдим аларга ошноликдин жудо. Шайхлар йўлиқса, мастликдан уларни танимамайман, мастлик орқасида уларга ошноликдан қутулганимга шукр.

Хокӣен дар поя болотар зи жабборон, ки мўр, Беҳ хиромад бар манор, аз шер гарчи аҳқараст.

Шерга нисбатан жуда кучсиз бўлган чумоли банд минораларнинг юқори томонига чиқа олгани каби, кибрисиз кишилар мутақаббир кишилардан мартабада юқоридирлар.

Хайр муяссар гар эмас эл била, Нафъ етурмоқ ҳам эрур тил била. Кўл билан яхшилик бўлмаганда, тил билан ҳам уни бажариш мумкин.

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво, Узинга раво кўрмагани раво. Узинга лойиқ кўрмагани халққа раво кўрмагил.

Халик ўлган сахийдин элга етгай икки бахшойиш, Ҳам эҳсонидин оройиш, ҳам ахлоқидин осойиш.

Ахлоқли сахийдин эл учун икки яхшилик етади: эҳсонидин тузалиш, ахлоқидин роҳат.

Хиродманд чин сўздин ўзга демас, Вале, борча чин ҳам дегулик эмас.

Ақлли киши чин гапиради, аммо барча чин сўзни ҳам айтавериш дуруст эмас.

Хубким, йўқдур шамойил бирла ширин сўз анга, Сайдибўлмас эл, нечаким бўлса зебо сурати.

Хар қанча зебо суратларда ҳам яхши ахлоқ, ширин сўз бўлмаса, халқ уларни истамайди.

Худлисанд—нохирадманд. Узинигина писанд қилидиган одам — нодондир.

Хушо улки, оламда гар чекти ранж, Яна олам асбобиға топти ганж.

Бир қанча қийинчилик билан бўлса ҳам, тирикчилик учун зарур матолар толганларнинг вақти чоғ.

Хуш улким, кўнгулга кўшод истабон, Кўпуб азм қилгай мурод истабон.

Кўнгли шодлиги ва мақсадни излаб ҳаракат қилувчилар энг яхши кишилардир (ўтиравериш билан кўнглидаги етишиш мумкин эмас).

Хирад деҳқони мундоғ нуктае дер— Ки: «Дона соқчоли яхши керак ер».

Ақл деҳқони шундай хикмат айтади: «Уруғни яхши ерга сочиш керак».

Хатодин холи эрмас одамизод, Эрур Ҳақ ишда саҳз этмоқдин озод.

Одам болаки хатодан холи бўлмайди, фақат парвардигоргина ҳар қандай айбдан озод.

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ, Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.

Эй боғбон, боғининг томини игна билан ёпсанг ҳам хазон сипоҳининг йўлини тўсолмайсан (яъни ҳар қандай боғ ҳам кузда қуриб-қовжирайди).

Хорсиз гул даҳр боғи ичра не имкон эрур. Дунё боғида тикансиз гул бўлиши мумкин эмас.

Хурдадон бўлмас киши нозук тахайюл қилмайин.

Теран фикр юритмай туриб, киши донишманд бўмайди.

Халос эрмас киши ҳар ҳол билан Тенгри қазосидин.

Киши ҳар қандай ҳолатда ҳам Худонинг тақдириндан озод эмас.

Худой учун қилинг, эй порсо йигитлар, шукр— Ки, сизга журму гунаҳдин Худо ниғаҳбондур.

Эй тақводор йигитлар, худога шукр қилингки, сизни айбу гуноҳдан Худонинг ўзи асрайди.

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур? Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин.

Яхшироқ бил ани улус ароким, Етса кўпрак улуска нафъ андин.

Одамлар ичиде яхшироқ ким деб сўрадинг. Сўзимни эшитиб, шубҳалардан халос бўл: одамларга фойдаси кўпроқ тегадиган кишиларни одамларнинг яхшироғи деб бил.

Хўб эл била сўхбат тутубон хўб ўлгил, Яхшини талаб қилгилу матлуб ўлгил, Ширин сўз ила халққа марғуб ўлгил, Юмшоқ де ҳадисингни—ю, маҳбуб ўлгил.

Яхши одамлар билан бирга бўлиб, ўзинг ҳам яхши бўл. Доим яхши одамларнинг суҳбатини изла—ю, ўзинг ҳам бошқаларга ёқимли бўл. Ширин сўзинг билан кишиларнинг кўнглини топ, мулоийм гапир—ю, севишли бўл.

Худпараст—бутпараст. Худпараст, мутақаббир киши бутпараст (бутга сиғинувчи)дир.

Худлисанд—иши бори элга нописанд. Худбининг иши ҳеч кимга ёқмайди.

Хирадманд муҳолафатдин қочар ва мувофакатга мулоямат эшигин очар.

Дона душманликдан қочар ва дўстликка мулоиймлик билан эшик очар.

Хайрсиз ганий—ёғинсиз саҳоб ва амалсиз олим— даббоки, анга юклагайлар китоб.

Хайру эҳсон қилмайдиган бой—ёғмай ўтадиган булут ва амалсиз олим—фақат китоб ортишга ярайдиган хайвон.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАЙНАЛМИЛЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАХАР ГРЕК МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ БИНОСИ ФОЙЕСИДА ТАНИҚИ РАССОМ ЯНИС САЛПИНКИДИ ВА УНИНГ ШОГИРДЛАРИ ЯРАТГАН АСАРЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН КЎРГАЗМА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказининг раҳбари Н.Мухаммадиев, Ўзбекистон-Греция дўстлик жамияти раиси М.Ашуров, рассом Ю.Чернишов ва бошқа фан-маданият арбоблари ана шундай тасвирий

Кўргазмалар

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

санъат кўргазмалари мамлакатимизда ахил-иноқ яшаётган турли халқлар маданиятини тарғиб этишда катта аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтилди. Чунки ушбу кўргазма катнашчилари ҳам турли миллат вакилларидир.

Янис Салпинкиди ўз шогирдлари билан ҳозиргидек қизиқарли асарлар кўригини илгари ҳам бир неча марта ташкил қилган эди. У Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси профессори,

«Дўстлик» ордени соҳиби, Ўзбекистон Бадий академияси «Олтин медали» совриндори ўзининг 30 йиллик педагогик фаолияти давомида кўплаб тасвирий санъатта иштиёқманд шогирдларни етиштирди. Унинг таълимини олган бир қанча ёш мусавирлар Бадий академия ижодкорлар уюшмасининг аъзоларидир. Ташкил этилган кўргазмага 30 дан зиёд турли жанр ва мавзулардаги асарлар кўйилган бўлиб, улар Я.Салпинкиди, Е.Васильева, С.Фёдоров, Ю.Веденин, А.Сулаймонов, Л.Раззокова, Ф.Кўзиев,

И.Провоторов, А.Соколовская каби мўқалам соҳиблари ижодининг сара намуналари.

Улар орасидаги «Катта дароҳт қуёш боғи пайтида», «Шарқ натюрморти», «Гуллар», «Беҳили натюрморт», «Доимо бирга», «Жилға», «Ўзбекистоннинг тоғ олди манзараси», «Гелиос», «Дионис», «Нарцисс», «Икковлон илиқ муҳитда» номи рангасвир ва графика намуналари томошабинлар эътибори ҳамда таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Баҳром ТОЖИЕВ

Футбол

САҒАРДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

МАЪЛУМКИ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЁЗ ФАСЛИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА СТАРТ БЕРИЛАДИ.

Ушбу нуфузли турнирда катнашиш ҳуқуқини кўлга киритган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осие чемпионати таъйёрларли ишларини аллақачон бошлаб юборган. Буни Озарбойжон терма жамоаси билан Қаршида ўтказилган назорат ўртоқлик учрашуви, Қозоғистон Республикасида уюштирилган «Алма ТВ Кубоги» халқаро турниридаги ўйинлари яққол тасдиқлайди.

Куни кеча эса Рауф Инилеев шогирдлари Хитой Тайпейда майдон эгалари меҳмони бўлишди. Таркибига бир неча умидли ёшларни жалб этган терма жамоамиз аъзолари айтиш жоизки, уюшган ҳолда сермазмун ўйин намоийш этишди. Мезбонлар дарвозаси томон уюштирилган чиройли комбинациялар, хавфли ҳужумлар самара берди. Ўзбекистонликлардан Хикмат Ҳошимов томонидан дарвозага киритилган ягона гол учрашунинг 1:0 ҳисобига терма жамоамиз ғалабаси билан яқунлишини таъминлади.

(Ўз муҳбиримиз)

ЎЗБЕК КУРАШИ ЎЗИНИНГ ЖОЗИБАСИ, ҲАЛЛОЛИГИ, ВА ЭНГ МУҲИМИ, АДОЛАТЛИЛИГИ БИЛАН БАРЧА МАМЛАКАТЛАР ХАЛҚЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ ВА ОЛАМЖАҲОН ТААССУРОТ ҚОЛДИРМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ МИЛЛИЙ ФАҲРИ ВА ИФТИХОРИ БЎЛГАН КУРАШНИНГ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ОММАЛАШТИРИЛИШИ УНИНГ НУФУЗИНИ ЯНАДА ОШИРМОҚДА.

Куни кеча, Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Кураш Халқаро Ассоциацияси бош қотиби Умид Якубов, матбуот маркази раҳбари Зулхумор Рўзиева ҳамда Украина Кураш Федерацияси президенти Владимир Мачугинлар иштирокида «Кураш ҳамкорлики талаб этади» мавзюда журналистлар билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Кураш

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА РИВОЖЛанади

Анжумани Кураш Халқаро Ассоциацияси бош қотиби Умид Якубов очар экан, ўзбек курашининг бугунги кундаги ютуқлари, келгусида режалаштирилаётган мусобақалар ҳақида сўзлаш баробарида унинг дунё мамлакатлари томонидан тан олинаётгани ва энг чекка давлатлар ҳам миллий спортимиз ўзининг мавқеига эга бўлаётгани, бунинг учун эса катта меҳнат ва изланишлар олиб борилаётганини айтиб ўтди.

Украина Кураш Федерацияси президенти Владимир Мачугин эса мамлакатимизга қилган ташири давомидаги таассуротлари, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятларда бўлган сафари Наврўз байрамга тўри келиб, унинг миллий удумларимизга бой тарзда нишонлиниш жараёнидаги кечинмалари

ҳақида сўзлади. Украина ва Ўзбекистон мамлакатлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланиб бораётгани борасида ҳам тўлқинли гапирди. Шунингдек, у ўз сўзида курашнинг дунё микёсида тан олинishi ўзбек халқи учун жуда ҳам улуг бир қадам эканлигини ва келажакда барча мамлакатларда кураш ўзининг софдиллиги, ҳалоллиги, қулайлиги билан севишли спорт турига айланишини айтди. Украина халқида ҳам ўзбек курашига бўлган меҳру муҳаббат ва қизиқиш албатта ўз самарасини беришини алоҳида таъкидлади. Ва келгусида Украина Кураш Федерациясида амалга оширилиши кўзда тутилган режалар ҳақида ҳам тўхталиб, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Гуличехра САРТТОР қизи

Самбо

БЕЛЛАШУВЛАР ҚИЗГИН КЕЧДИ

ШАХРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ МАЖМУАСИДА ИККИ КУН ДАВОМИДА 1991-1993 ЙИЛЛАРДА ТУФИЛГАН ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН САМБО БЎЙИЧА БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА ТУРНИРИ БАҲСЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Турнирда Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Хоразм, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 140 га яқин ёш самбочи кизлар 12 та вазн тоифасида ғалаба учун кураш олиб боришди. Беллашувлар давомида баъзи спортчиларга маҳорат ва тажриба етмаётганлиги кўзга ташланган бўлса-да, лекин деярли барча самбочилар ғалаба қозониш учун бор кучларини ишга солишга ҳаракат қилишди.

Мусобақаларда қашқадарёлик самбочи Қаримова айниқса мутахассис ва муҳлисларда катта таассурот қолдирди. У ҳар бир беллашувда чиройли ва оғиртувчи усуллари кўлланган ҳолда деярли барча учрашувларини муддатидан олдин тамомлаган ҳолда ғалабага эришди.

Шунингдек, республика мусобақаларида самарқандлик спортчи қизлар ҳам жуда яхши катнашишди. Хусусан, Самарқанд вилоятининг 10 та вақиласи ўз вазн тоифаларида ҳурмат шохусининг энг юқори поғонасидан жой олди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар ҳамда қимматбахо совғалар топширилди. Турнирда энг юқори натижаларга эришган самбочи қизлар Ўзбекистон чемпионатида катнашиш ҳуқуқини кўлга киритишди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: самбо бўйича қизлар ўртасида ўтказилган республика мусобақасидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



Мунажжим башорати

ИЖОДИЙ ҒАЙРАТ ЖЎШ УРАДИГАН КУН

30 МАРТ, ЖУМА Кўёшининг Кўй буржи 10-даражасида бўлиши ҳар қандай тўсиқларга қарамай, инсонларда намоён бўладиган катта ижодий жўшқинликни вужудга келтиради. Бу кун таваққал қилишни яхши кўрадиган ва бунини урдалайдиган яққа курашчилар омади юришадиган кун ҳисобланади.

Шунингдек, Кўёш тақвимининг бугунги куни дам олиш ва ўз-ўзини назорат қилиб боришга чорлайди. Табиатнинг табиий ритмларига мутаносиб ҳаракат қилиш, кўпроқ сукут сақлаб, камроқ гапириш мақсадга мувофиқ.

Оймоманинг самодгаи бугунги жойлашуви унинг инсонларга таъсири икки хил тарзда бўлишини билдиради: жоҳил ва ярамас кишилар бошига бугун кўндан-кўп нохушлиқлар ёғилса, раҳмдил ва оқунгил кишилар ҳар ишда кўмак ва қўллаб-қувватлашни ҳис этиб турадилар.

Пойабзалнинг йиртилиши ёки яроқсиз

ҳолга келиши бугун алдовлар ёки дўстларнинг хиёнатидан бериладиган дарак ҳисобланади.

БУГУН:

- кунни ўқиш, ўз малақангизни оширишга бағишлашингиз;
- кундалик енгил-ёпни ишлар билан шуғулланиш;
- зарур арзон баҳоли харидлар қилиш;
- юқори даражада аниқлик ва тартибга риоя этиш;
- кун воқеаларини диққат билан кузатиш (улар сизнинг келажак тақдирингизга таъсир кўрсатиши мумкин) тавсия этилади.

Ҳар қандай жиддий хатти-ҳаракатлардан, ўз обрўйингиз ва хизмат мавқеингиздан фойдаланишга уринишдан, ўз жозибангиз ва ташқи қиёфангизга ортиқча бино қўйишдан, бошқалар ҳимматига умид боғлашдан эҳтиёт бўлинг.

Кийимлардан тўқ қулранг-яшил ва қулранг-намо, ҳаворанг либосларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ.



ЁҒ МОДДАСИ КАМ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Доимо телевидение, радио ва газеталарда танангизда холестерин моддаси кўпайиб кетмаслиги, ортиқча вазн қийнамаслиги учун ёғлик овқатларни емаслигини тавсия этишди. Умуман ёғлик таомларни еб бўлмайдими ёки уни кам миқдорда истеъмол қилиш керакми?

Ҳалимаҳон Абдиева, Яққасарой Исмаилов

Пархезчи шифокор мутахассислар фикрича, бутунлай ёғсиз овқатлар билан тирикчилик қилиш ҳам қийин. Ҳатто кўй думбаси ёғи ҳам маълум миқдорда организм учун фойдали ҳисобланади. Масалан, шундай ёғни кунига 25-30 грамм миқдорда истеъмол қилиш саломатлик учун зарурлигини таъкидлашади шифокорлар.

Лекин танада ёғнинг тўпланиб бориши билан боғлиқ кўнгилсизликлар анча кўп бўлгани учун бу борада меъёрга қаттиқ риоя этган маъқул. Таркибида ёғ бўлган озиқлар ва улардан тайёрланадиган таомлар шу қадар кўпки, уларнинг баъзи бирларидан ёғни истисно қилиш фойдалигига эмас, зарур ҳамдир.

Шунинг учун ҳам бутунлай ёғсизлан-тирилган озиқ-овқат маҳсулотлари фойдали ҳисобланади (масалан, сут-қатик маҳсулотлари). Лекин сўзманнинг таркибида 8 фоизгача, сут ва сут маҳсулотларида 1 фоизгача, гўшда 4 фоизгача ёғ бўлиши айна мудаодир.

СТАДИОНДА ТОМОША ҚИЛГАН МАЪҚУЛ

Баъзи футбол ишқибозларининг ўйин вақтидаги аҳволларини кўриб, «ҳай-ҳай, ўпкангиз бос!» деб хайқир-гинг келади. Бошқаларининг аҳволи-

га эса, ҳозир бир нарса бўлиб қолади деб, ачиниб кетасан, киши. Шунинг учун ишқибозлар футболни ўйин-гоҳда томоша қилганлари маъқулми? Ахир у ерда, жила бўлмаганда, очик ҳаводан нафас олишади...

Исмоил Усмонов, Собир Раҳимов тумани.

Тиббийёт фанлари номзоиди М. Миршарипов жавоб беради:

— Бутун дунёда муҳим футбол ўйинларидан кейин юрак хуружлари кўпайиши, ҳатто улар орасида инфаркт ҳодисалари кузатилишини шифокорлар яхши биладилар. Бунинг оддий ишқибозлар ҳам кўп кузатишлари табиий. Айниқса, бу борада Жанубий Америка мамлакатлари ишқибозлари ҳаммадан ўтиб кетишади. Ғарбий Европа футбол ишқибозларининг ҳам баъзан қизиққонликда, эҳтиросларда улардан қолишмаслиги маълум.

Шубҳасиз, ўйин давомидаги кескин вазиятларда футбол ишқибозларида артериал қон босимлари кўтарилиши, юрак-томир уриши дақиқасига 160 гача ошиб кетиши аниқ. Спорт билан шуғулланмайдиган одамларда юрак мушанининг қисқариши 2-3 мартагача ошиб кетиши, агар у бирон-бир юрак хасталиги билан оғриб юрган бўлса, фожеали туғши мумкин.

Ўйингоҳдаги юз бераётган воқеаларни каттиқ хаяжон билан кузатиш қонда адреналин моддасини кескин ошириб юборади. Футболчилардаги адреналин мушаклар фаол ишлаши оқибатида парчаланиб кетади. Ҳаттоки жойларда ўтириб кузатаётган томошабинлар организмда эса, адреналин тўпланиб, томирларга зарба беради. Шунинг учун ҳам ишқибозларнинг беҳосдан хайқириб, уринларидан туриб кетишлари, ғайри табиий хатти-ҳаракатларини тушуна бўлади.

Албатта, атрофдагилар билан биргаликда, уларнинг ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлашларини ҳис этган ҳолда, бунинг устига, очик ҳавода ўйинни томоша қилиш яхшироқ. Уйда ҳам ёғингизда ҳиссиётларингизга жўр бўладиган ҳамроҳларингиз бўлса, унчалик зарар кўрмайсиз. Аммо сиз муҳлиси бўлган жамоа ютқазиб турганида ёки кескин вазиятлар юз бериб турган бир пайтда турмуш ўртоғингиз телевизор қулоғини бошқа каналга бурашни талаб қилиб турса, стресс оқибати анча жиддий бўлади.

Қатрлар

ҒАРИШТАНИНГ ОМИНИ

Богбон йигит нима иш қилишини ўйлаб турган эди, эшик тақиллади. Чикди. Ҳазилкаш таниши: «Махалла идораси ёнидаги боғда тушгача ҳашар бор экан. Оқсоқол айтиди. Борар экансиз»,—деб қолди.

— Белим оғриб турибди-да, хайронман.

— Узингизга ҳавола. Йигит юраги ҳам ҳолда томорқасидаги тол поясини кеса бошлади. Оёқ босиб тургани бутқоч чирган экан, кирс этганини билди, вай белимлаб тол тағида ётиб қолади.

— Бундан кўра ҳашарга борганим яхшимасми,—деди оғриқдан қийналган богбон ўзига ўзи, ёлғоннинг зиёнлигига тан бериб. — Ҳашарга боргим келмай белим оғриб турибди, деб ёлғон рўқач

қилганмида фаришта омин, деган экан-да.

РИЁНИНГ ҲОЛИ

Бирдан эсган шамол ердаги ифлосларни тўзғитиб осмону фалакка кўтарди.

— Бутун оламини маза қиле-е-еб, юқоридан томоша қиладиган бўлади,—деди тўзғоқлардан бири.

— Бизни ҳам кўрмаганлар кўриб қўйишин,—риёлини деди иккинчиси.

— Фирт зарарли ифлослигингизни олам кўрсин, деб сизни шамол юқори кўтарувди. Сиз бўлсангиз... Ифлосликдан турилгансиз-да, мактаншингиз ҳам ёқимсиз,—деди етиб келган булут ва ёмғир билан савалай кетди. Тўзғоқлар ариқ ва сойларда қуйқаланиб оқдилар.

Бу ҳол ифлос-риёнинг умри қисқа, бесамар эканига ёрқин исботдир.

Ғани АБДУЛЛА

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ
Буюртма Г- 206

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4398 нусхада босилади. Қўроғ бичими А-2
Нашри отказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимидаги ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоси акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк